

ТО'ЛОҚШКЕНТ ОҚШОМ

XVI сардоси

Барча манбалардан олиган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Кеча** Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти парламентнинг кўмити ва комиссиялари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказ, Конституциявий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги академияси, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш фонди, Хотин қизлар кўмитаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикаси Мустиқлиги ва инсон ҳуқуқи» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

● Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган «Сибирь битими» минтақаларо асоциацияси (МАСС) делегацияси раҳбарларини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Утқир Султонов қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон ва МАССга кирувчи ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида сўз юритилди.

● Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ўтказилган сим орқали кенгашда бошқоқ донни энг мақбул муддатларда нес-нобуд қилмай ўриб-йигиб олиш, гўза парваришини кўчайтириш ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинди.

● Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги йиғилишида жорий йилда текширишларни мувофиқлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларини текширишни ташкил қилишни тартиб-чи субьектларини текширишни ташкил қилишни тартиб-чи солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги Фармони ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

● Хўжалик муҳофазат қилиш органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари борасидаги қарашларини бойитиш, халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан миллий қонунчилик ўртасидаги ўзаро муносабатларни таҳлил этиш Тошкентда бошланган «Жинсий ишлар бўйича суд жараянларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро мезонлар» мавзусидаги ўқув машғулотига бош мавзу қилиб олинди.

● Тошкентда «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида GSM тармоқлари операторлари Россия Уюшмаси кенгашининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилиш «COSCOM» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасининг Ўзбекистондаги биринчи GSM оператори фаолияти кўрсата бошлаганига беш йил тўлиши муносабати билан ўтказилди.

● Республика Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Андижон вилояти ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси ва республика театр ижодкорлари уюшмаси мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги ҳамда Оналар ва болалар йилга бағишланган Андижонда «Андижон баҳори - 2001» театр санъати фестивалини ташкил этдилар.

● Тошкентда Исроилнинг «Эл-Ал» авиакомпанияси ваколатхонаси очилди.

● **Кеча** хорижий мамлакатлар билан дўстлик, маданий ва маърифий алоқалар жамиятини кенгашида Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ўқитувчилари Бобур Ғиёсов ва Элёр Ҳасановнинг «Миср дипломатияси» номли китоби тақдими бўлиб ўтди.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 62 (9.559) 2001 йил 30 май, чоршанба Сотувда эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР

Амалий саъй-ҳаракатлар даври

Илгари хабар қилиб ўтганимиздек, Тошкентда Ўзбекистон пойтахти билан биродарлик алоқаларини ўрнатган Бельгиянинг Кортрейк шаҳри делегацияси ташриф билан меҳмон бўлиб турибди. Делегация таркибиде иқтисодий масалалар бўйича бургомистр ўринбосари жаноб Жан де Бетюн бошчилигидаги шаҳар мэриясининг маъсул ходимлари, сармоядорлар бор.



Жан де Бетюн. — Делегациямиз аъзолари учрашувлар пайтида, корхоналарга ташриф чоғида юз бераётган ўзгаришлар, иқтисодийнинг хусусий сектори ривожланишидан воқиф бўлдилар. Биз алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдоримиз ва ўйлаб-чиркан, бу борада ўз таъбирларимизни ўртоқлашадиган жихатларимиз бор. Иқтисодий барқарорлик, Ўзбекистоннинг салоҳияти бу ерда бизнес қилиш учун ажойиб имкониятлар. Ташриф чоғида делегациямиз бельгиялик тадбиркорларнинг бундан бунгун ишлари учун ҳуқуқий асослар тўғрисида иложи борича кўпроқ ахборотлар олишга ҳаракат қилди.

корликнинг истиқболлари ва ўзаро манфаатдорлигига амалда ишонч ҳосил қилиб бўлдилар.

Бельгиялик шериклар семинар чоғида хориж инвесторлари фаолияти учун яратилган шароитлардан, қонунларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, халқаро савдо соҳасида маҳаллий-лаштириш жараёнидан, хусусийлаштириш жараёнидан, хорижий шерикларнинг турли корхоналари акцияларини амалга оширишдан, иқтисодийнинг хусусий сектори тараққиёти ва тизимдаги ўзгаришлардан воқиф бўлдилар.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Шоабдурахмонов таъкидлаб ўтганидек, бизнинг пойтахтимиз учун энгил саноатни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти шароитларида шаҳарни бошқаришдаги таъриба, иссиқликни тежаш технологияларидан фойдаланиш катта қизиқиш уйғотмоқда. Биродарлашган шаҳарларнинг бундан кейинги алоқалари ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши керак.

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг оқилона йўлида турибди, — деди Кортрейк бургомистрининг ўринбосари жаноб

Маърифий-мафкуравий тарбия — барчамизнинг ишимиз

Маълумки, кейинги пайтда мамлакатимизда маърифий-мафкуравий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини замон талаблари даражасига кўтариш масаласига муҳим аҳамият берилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов Хотира ва қадрлаш куни бир гуруҳ ижодкорлар билан бўлган учрашувда ҳамда яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис сессиясида бу борада ижодкор зиёлилар, илм-фан, маданият ва санъат намояндлари олдида гоят маъзулти вазифалар турганига эътиборимизни қаратган эди.

Хабар бериб ўтилганидек, Миллий матбуот марказида ижодий уюшмалар, илм-фан, маданият ва маънавият, таълим-тарбия соҳаси мутасаддилари, ёшлар ҳаракати фаоллари, жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида маърифий-мафкуравий тарбия ишларини янада такомиллаштириш, тарғибот-ташвиқот ишларини яна шу вазифалар асосида ташкил этиш масаласига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Х.Султонов ва З.Хуснидинов истиқлол йилларида маърифий-мафкуравий соҳада кўпгина ишлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтишди. Хусусан, халқимизнинг янги ҳаёт куриш йўлидаги эзгу мақсад-муддаоларини ўзда мужассам этган миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойиллари ишлаб чиқилиб, уларни халқимиз, энг аввало, ёш авлод қалби ва онгига синдириш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. «Миллий истиқлол ғояси» фани таълим тизимига жорий этилаётгани жамиятимиз тафаккурда туб янгиланишлар юз бераётганидан далолатдир.

Лекин бугун замон, давр, жаҳоннинг геополитик ҳаритаси, минтақамиздаги мафкуравий жараёнлар тез ўзгармоқда. Турли ёвуз кучлар ва қабих ниятли марказлар ўз гаразли мақсадларини амалга ошириш учун турли усуллари ишга солмоқда. Ёшларимизга, келажакимизга таҳдид солиб турган бундай хавф-хатарнинг олдини олиш учун ижодкор зиёлилар, фан ва маданият намояндалари, бутун халқимиз қатъий кураш олиб бориши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Анжуман иштирокчилари бундай мураккаб шароитда бугунги сиёсатимизнинг мо-

ҳиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар жараёнини, янги ҳаёт куриш йўлидаги эзгу интилишларимизни халқимиз ўртасида ҳаёт ҳақиқатига таянган ҳолда тарғиб қилиш лозимлигига эътиборни қаратдилар.

Баҳс-мунозара руҳида ўтган анжуманда юртимизда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини тарғиб этишда баъзан кампаниябозлик, ҳўжақўрсинга тадбир ўтказиш ҳоллари ҳам кўзга ташланаётгани танқид қилинди. Бундай ҳолатларга барҳам бериш, миллий истиқлол ғоясини обрўсизлантормаслик, уни юксак маърифат билан, ҳаётий мисоллар асосида тарғиб этиш зиёлиларимизнинг асосий бурчи экани қайд этилди.

Бинобарин, маърифий-мафкуравий тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларининг мезони, аввало, халқимизнинг умид-ишончи ва таянчи бўлган ёшлар тарбияси, уларнинг ҳаётга, эл-юртга муносабатига ўтказадиган ҳаётбахш таъсири билан белгиланади.

Ўшлар курашдаги лоқайдлик, тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, тарбия — бу ҳаёт-мамат масаласи эканини оддамларга, кенг жамоатчиликка қайта-қайта тушунириш, уларни огоҳ этиш зарур.

Анжуманда замонавий қаҳрамон образини яратиш маърифий-мафкуравий ишининг муҳим бир қисми эканига яна бир бор эътибор қаратилди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Ижтимоий фикр» марказининг раҳбари Р.Убайдуллаева, Давлат ва жамият қурилиши академияси илмий ходими Н.Умарова, Файласуфлар миллий жамияти раиси Қ.Назаров, шоир А.Суюн, филология фанлари доктори, профессор Н.Махмудов, кинорежиссёр Ю.Розиков, Ўзбекистон халқ артисти М.Абдуқундузов, журналистлар Б.Хасанов, А.Ғуломов, ёш шоира, Зулфия мукофотининг совриндори Г.Аскарובה, Ўзбекистон муулмонлари диний идорасининг раиси муфтий А.Баҳромов, ёзувчи О.Мухторов маърифий-мафкуравий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича ўз тақлиф-мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари, фан ва маданият намояндоларининг мамлакат жамоатчилигига мурожаати қабул қилинди.

(ўза).

КЕЧА

пойтахт ҳокимлигида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов жаноб Жан де Бетюн бошчилигидаги делегация билан учрашди. Учрашув пайтида биродарлашган ҳар иккала шаҳар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари ҳусусида сўз борди. Шундан сўнг эса ҳокимликда вазирликлар, идоралар, Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотларнинг вакиллари иштирокида бизнес-семинар бўлиб ўтди. Унинг бош мавзуси «Ўзбекистонда бизнесни қандай қилиб амалга ошириш мумкин» деган масала бўлди.

Маълумки, ҳозирги пайтда республикада хориж инвестициялари жалб этилган уч мингга яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Россия, АҚШ, Буюк Британия, Германия сингари мамлакатлар унда ўз сармоялари билан қатнашмоқдалар. Ўзда йирик иқтисодий марказ макomini сақлаб турган Тошкентда ҳам бундай хориж инвестициялари ўзининг муайян улушини топан. Уларнинг фаолиятида бир қатор омиллар ва имтиёзлар мамлакат қонунчилигида кўзда тутилган бўлиб кўпгина хорижлик инвесторлар ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ҳам-

Жан де Бетюн. — Делегациямиз аъзолари учрашувлар пайтида, корхоналарга ташриф чоғида юз бераётган ўзгаришлар, иқтисодийнинг хусусий сектори ривожланишидан воқиф бўлдилар. Биз алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдоримиз ва ўйлаб-чиркан, бу борада ўз таъбирларимизни ўртоқлашадиган жихатларимиз бор. Иқтисодий барқарорлик, Ўзбекистоннинг салоҳияти бу ерда бизнес қилиш учун ажойиб имкониятлар. Ташриф чоғида делегациямиз бельгиялик тадбиркорларнинг бундан бунгун ишлари учун ҳуқуқий асослар тўғрисида иложи борича кўпроқ ахборотлар олишга ҳаракат қилди.

Бельгиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фахрий консули жаноб Жан Клод Божаннинг таъкидлашча, Ўзбекистонлик шерикларга ўйлаб ўтириш ва атрафга қараш вақти ўтиб бўлди, энди қатъий саъй-ҳаракатлар қилиш, инвесторларнинг амалий қадам қўйишлари учун айни фурсат етилди.

Ўйлашимизки, ана шундай дадил қадамлар қўйиладиган вақт узок эмас...

(ўза мухбиримиз) СУРАТДА: семинар пайтида.

ҚИСҚА

□ **БУГУН** «Тошкент-ленд» истироҳат боғига Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кўни муносабати билан келган Юнусов туманидаги КРИДИ — Ногирон Болалар соғлигини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамиятининг 500 нафар аъзолари ҳомийлар савоҳати тўғрисида маъруза қилишди.

□ **КЕЧА** Тошкент фармацевтика институтда ўқитувчи-профессорлар иштирокида икки кун давом этган талабалар илмий жамиятининг аънавий 58-илмий амалий анжумани нияҳосига етди.

□ **ШУНИНГДЕК** бугун ушбу институтда мазкур олий ўқув юртининг ўқитувчи-профессорларидан иборат илмий кенгаш аъзолари, тиббиёт соҳасида алоқадор етук мутасадди олимлар, шифокорлар, пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган дорихоналарнинг мудирлари иштирокида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

□ **ТУРКИСТОН** концерт саройига тўпланган шаҳримиз мактабларининг ўқувчилари «Битурвичи-2001» деб номланган концертда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган эстрада ансамблларининг қўшиқларининг баҳраманд бўлишди.

□ **БАҲОР** концерт залида машур рақоса Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 88 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

□ **АЛИШЕР** Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий боғида истиқлолнинг 10 йиллигига бағишланган Ўзбекистон Фанлар академияси ходимлари иштирокида югуриш мусобақаси ўтказилди.

миз мактабларининг ўқувчилари «Битурвичи-2001» деб номланган концертда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган эстрада ансамблларининг қўшиқларининг баҳраманд бўлишди.

□ **БАҲОР** концерт залида машур рақоса Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 88 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

□ **АЛИШЕР** Навоий номидagi Ўзбекистон Миллий боғида истиқлолнинг 10 йиллигига бағишланган Ўзбекистон Фанлар академияси ходимлари иштирокида югуриш мусобақаси ўтказилди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Ёш мутахассисларга кафолатли иш жойи

Ҳар йили Тошкент шаҳридаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлирини бир неча минг киши битириб чиқади. Пойтахтда бу ёш мутахассисларни кафолатли иш жойлари билан таъминлаш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

28 май кўни Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ушбу масала атрафлича муҳокама этилди. Унга шаҳар ва туман ҳокимликларининг, олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртлири, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари тақлиф этилди.

Тошкент шаҳар ҳокими К.Н.Тўлаганов йиғилишда оларнинг оғир экани, пойтахтда кадрлар захирасини шакллантиришга, ёш мутахассисларни иш билан таъминлашга алоқадар эътибор берилаётганини таъкидлаб ўтди. Бугунги кунда давлат муассасалари ҳам, мулкчилик шакли турлича бўлган корхона ва ташкилотлар ҳам олий ва ўрта махсус ўқув юртлири билан тузган шартнома асосида уларга ўзлари учун зарур бўлган ёш мутахассисларга буюртма бермоқдалар.

Пойтахтни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривож-

бўйича мутахассислар тайёрлаш имкониятига эгалар. Шунинг учун университет, институт, коллежларнинг ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар билан амалий алоқасини янада чуқурлаштириш талаб этилмоқда.

Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Б.С.Камолов, «Узкабель» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси С.В.Муродхўжаев, «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссадорлик бирлашмасининг бош директори М.Аҳмаджонов, Тошкент Давлат техника университети проректори С.М.Туробжонов сўзга чиқиб, олий ва ўрта махсус ўқув юртлири ҳамда ҳокимликлар, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар раҳбарларининг бундай фикр алмашишлари юқори малакали ёш мутахассисларни тайёрлаш ва уларни кафолатли иш жойлари билан таъминлаш учун жуда фойдали эканлигини таъкидладилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот гуруҳи

КИМОШДИ САВДОСИ

Эркин ва соғлом рақобат

Тошкент шаҳар муниципал бир маркази томонидан 25 май кўни кимошди савдосида 19 та ер майдони учун ижара ҳуқуқи сотилди. Унинг натижалари, пойтахтда кимошди савдоларини янада такомиллаштириш масалалари Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда муҳокама этилди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К.Н.Тўлаганов олиб борди.

Кимошди савдосига қўйилган ер майдонларининг бошланғич нархи 30 миллион 208 минг сўм миқдорда белгиланган эди. Кимошди савдоси аяқунари бўйича эса бу қиймат 128 миллион сўмликка ёки бошланғич нархда белгилангандан қарий 3,5 бараварга кўп бўлди. Турли ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш биноларини қуриш учун савдога қўйилган 0,02-0,04 га ҳамдадаги ҳар битта ер майдонининг ўртача сотилиш нархи 5 миллион 684 минг сўмни ташкил этди.

Йиғилишда кимошди савдоларини янада такомиллаштириш ҳақида фикр алмашилди. Туман ҳокимликларига, лойиҳа ташкилотларига бўш турган ишлаб чиқариш иншоотлари, ер майдонларини аниқ ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш имкониятларини чуқур таҳлил этиб чиқиш, тадбиркорликни ривожлантириш манфаатларини қўлаб ким ошди савдосига қўйиш бўйича тақлифлар тайёрлаш юзасидан топшириқлар берилди.

Кимошди савдоси эркин ва соғлом рақобат руҳида ўтишини таъминлаш учун бу тадбирлардан оммавий ахборот воситалари орқали манфаатдор ташкилотларни ҳамда барча тадбиркорларни хабардор қилиш зарурлиги ўқтириб ўтилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот гуруҳи.

МАҲАЛЛАНГ — ОТА-ОНАНГ

Янги оқсоқол сайланди

қайд этиб, ёшлар тарбияси йўлида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тўхталди. Сўнг тафтиш комиссияси расийнинг ҳисоботи тинланди.

Ошқоралик руҳида ўтган йиғилишда ҳисобот юзасидан муҳокамаларда маҳалла фуқаролари сўзга чиқиб айрим ютуқлар билан бирга ечимини кўтаётган муаммолар ҳам борлигини, янги сайланажак оқсоқолдан уларни ҳал қилишга камарбаста бўлиши лозимлигини таъкидлашди.

Маҳалланинг ўтган даврдаги фаолияти қониқарли деб топилди.

Янги фуқаролар йиғини расий сайловига эса аввалги оқсоқол билан бирга Х.Назаров, Р.Абдулаҳатов, Р.Жўраев, М.Ғуломовларнинг номзодлари қўйилди. Ва деярли бир овоздан маҳаллага янги оқсоқол — Рихисвий Жўраев сайланди.

Сўнг маҳалла йиғини қотиби, маслаҳатчиларнинг янги таркиби ҳам сайланди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ СУРАТДА: «Маданият» маҳалласидаги оқсоқол сайловидан лавҳалар.

Сергей Любич олган суратлар.





ИСТИҚЛОЛ ВА БИЗ

УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

Холхўжа УМАРОВ,
«Махсуспардозкурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 42-қурилиш бошқармаси иш юритувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони:



1. Мустақиллик йиллари рўй берган ўзгаришларнинг энг муҳимлари нималарда намоён бўлмоқда, деб ҳисоблайсиз?

— Ҳар бир инсон яшар экан, унинг ҳаётида ўзгача из қолдирган, ҳис-ҳаяжонига сабаб бўлган, қалбида муҳрланиб қолган унутилмас лаҳзалар бўлади. Йиллар ўтиб борса-да, ана шундай қутлуғ кунлар ҳаяжон, энтиқиш ва орзиқиш билан, алоҳида тайёрларлик кўриб қутилади. Мана ўн йилдирки, қаддимизни баланд, қадримизни оқсак қилган, ўзигимизни англаб тенглар ичра тенг бўлишимизни тўла таъминлаган Мустақиллигимизни эъзозлаймиз, ардоқлаймиз. Чинданам халқимиз бу кунни ўзгача шухук, ҳис-ҳаяжон билан кутади. Чунки Истиқлол сўзи янграганидан, Мустақиллик эълон қилинган кундан бошлаб биз «Она Ватан» сўзини қалбимиздан, юрагимиздан айта бошладик, ҳар қадамда озодалик, эркинлик нималигини англаб бораямиз.

Мен бир қурувчи сифатида шунга айта оламанки, ўтаётган ўн йил ичида биргина пойтахт мисолида оладиган бўлсак, мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишлари кўлами, шаҳримизнинг жаҳон андозалари даражасидаги шаҳарлар қаторидан ўрин олаётгани, чиройига чирой қўшилаётгани мустақиллик шарофатидандир. Равон йўллар, замонавий кўприklar, муҳташам иморатлар, шинам уйлари — буларнинг барчаси — халқимиз бахт-саодати йўлида бажарилаётган ишлардир. Бу юмушларда биз қурувчиларнинг улуши борлигини фахрланаман. Нафақат бунёдкорлик ишларида балки барча соҳаларда она Ўзбекистонимизнинг жаҳонга танилиб бораётгани биз учун шон-шарафдир. Энг муҳими, шу гаҳлар турпрогимизда етиштирилаётган барча нёъматларнинг, бебаҳо ҳазиналарнинг эгаси ўзимиз. Она-Ватанинг гуллаб-яшнашига ҳар қанча ҳисса қўшимиз биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

2. Истиқлолнинг шахсан ўз тақдирингизга таъсири, атрофдагилар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Менинг қалбим шундан гурурга тўладики, агар истиқлол бўлмаганида мендай бир оддий қурувчи «Ўзбекистон қаҳрамони» деган улуғ номига сазовор бўлардим. 42 ёшимда элимга, халқимга танилардим. Бунга мен меҳнатнинг қадри, Истиқлолнинг меҳри деб биларман.

Падали бузруқворим шу қасбда бахтим кўлиб боқибди қалбдан ҳис қилган эканларим, ёшларимдан бунёдкор бўлишга, ота-боболаримиз хунарини давом эттиришга ундадилар. Аввалига бироз норози бўлсамда, меҳнат қилиш жараёнида қандайдир қурувчиларнинг ўзига ҳос гаши мени ром этди, аввалига жуда ҳавас, кейинчалик меҳр-муҳаббат ўйғонди дилимда. Бу эсим, айнакча мустақиллик йилларида ҳамкасбларим билан амалга оширган ишларимдан қувонаман. Чунки бунёдкорлар томонидан кейинги ўн йил ичида шаҳримизда амалга оширилган жуда катта қурилишлар пойтахтимиз чиройини юз чандон очиб юборди, десам муболага эмас. Буларнинг ҳаммаси эркин фикрлашимиздан, эркин ижод қилаётганимиздан ишонсадир.

Куним ўтаётганидан эмас, эртан борлигидан, меҳнатимни қадрловчи инсонлар, ҳамюртларим борлигидан, меҳнат жамоамда ўз ўрнидан, ҳурматидан, одамларга кераклигимдан, она-Ватаним хизматига яраганидан гурурланиб яшайман, ишлайман. Ўзбекистонимиздаги мана шу ижобий ўзгаришлар дунё ахлини ҳам лол қолдираётгани, истиқлолимизга, буюк келажатимизга ишонч билан қараётгани бир фарзанд сифатида қалбимни фахр-ифтихорга тўлдирди. Бугунги атрофимизда бўлаётган ўзгаришлар истиқлолнинг илк кўртаклари ҳолос. Ҳали унинг гуллаб-яшнаб шода-шода муболага тугишига, ана шу тўли нёъматлардан бутун халқим баҳра олишига аминман.

3. Келажакдаги буюк давлатни барпо этиш борасида қилиниши керак бўлган ишлар ҳақидаги фикрларингиз?

— Ўз она-Ватанинг ҳақида гапирганда ҳаяжонланмай бўлмайди, албатта. Энг яхши,

энг эзгу гапларни айтгим келади. Азиз халқим, юртпарвар, доно Президентимиз борлигидан хамиша фахрланган ҳолда келажакимизга ишониб яшайман. Қисқа ўн йил ичида эришган муваффақиятларимиз осонликча қўлга киритилмапти. Ҳар қандай муваффақият эса тинимсиз меҳнат, изланиш, ташаббус энг эвазига қўлга киритилади. Биргина ўзимизнинг қурилиши олиб кўрсак, биро тиклашнинг озмунча машаққатлари борми? Менимча, ҳар бир ишда энг муҳими-ҳамжиҳатлик.

Шу боис ҳам буюк давлатни барпо этиш учун ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўймоғи керак. Ҳар доим ҳам қийинчиликлар, мураккаблиklar ўткинчи бўлган, улар ақл-заковат, чидам ва сабот билан енгилган. Демократияни, айна меҳнат қиладиҳан, дилингизда қанча интилишигиз бўлса юзага чиқарадиган, тадбиркорлик билан иш юритиб, эл-юртга фойда келтирадиган, ҳам ўз ҳаётингизни, турмушингизни фаровон этадиҳан давр келди. Бу даврининг қадрига ет-саккина, юртимизни яншатмак, ривожига ҳисса қўшамиз, фарзандларимиз учун мустаҳкам, буюк келажакни қолдирамиз. Менинг фикрим, ҳар ким қўлидан келадиган ишни қўйилмақом қилиб, сидқидилдан адо этса, бу унинг мустақилликча, уни янада мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси бўлади.

4. Энг азиз, энг улуғ айёмимизга сиз меҳнат қилаётган жамоа ва шахсан ўзингиз қандай натижалар, туҳфалар билан бориш ниятидасиз?

— Чиндан ҳам Мустақиллик халқимиз учун энг азиз, энг улуғ байрам, қалбларимизни фахр-ифтихорга тўлдирадиган қутлуғ кун, шодибаналарнинг энг гўзали. Шунинг учун ҳам азалий удув ва анъаналаримизга амал қилиб «Тўйга тўёна билан» деган нақлни унутмай-миз. Узим учун август ойи айнакча қадри саналади. Бахтли кунларимнинг, унутилмас ланзаларимнинг энг саралари шу ойга тўғри келади: Қурувчилар кўни, тўнғич фарзандимнинг таваллуди, мен учун энг шарафли — Ўзбекистон Қаҳрамони унвоинга сазовор бўлганим... Шу боис ҳам ҳар йили улуғ байрам арафасида ўзгача куч-гайрат билан меҳнат қиламан. Албатта, бунёдкорлар байрамни ўзлари қурган биноларини юртимизга чирой этиб қарши олади. Биз ҳам худди шундай. Аввало қурилиш — мардлар майдони. Уларга қишини қаҳратони ҳам, эъзини саратони ҳам писанд эмас, бунёд этаверади, ўзидан ўчмас из — муҳташам иморатлар қолдиради.

Биз шунга унутмаслигимиз керакки, Хива, Бухоро, Самарқанднинг жаҳонни лол қолдираётган тарихий обидаларини бунёд этган қўли гул усталарнинг авлодларимиз. Шу боис ҳам аждодларимизга мос авлод бўлиб, яна ўзимиздан келгусига шоғирдлар ҳам тайёрлашимиз лозим.

Жамоамиз аҳли пойтахтимизнинг энг қайноқ бунёдкорлик майдонларида фаолият кўрсатишди. Айна кунларда 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг урология марказида қурилиш ишларини ҳамжиҳатликда олиб бормоқдамиз. Мақсадимиз байрамни ёруғ юз билан қўтиб олиш. Кўч-қувватим бор экан Мустақилликни мустаҳкамлашга ўз ҳиссамни қўшавераман. Юзлаб йиллар яшайдиган, авлодлар қўзини қувнатадиган иншоотлар қурилишида шижоатимни аямаяман.

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг бахтли болалиги учун барча саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Жорий йилнинг Оналар ва болалар йили деб эълон қилиниши, «Она ва бола» махсус давлат дастурининг қабул қилиниши ана шу фикримизнинг яққол далилдир.

Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кўни арафасида «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Мехрибонлик уйлари, махсус мактаб интернатларнинг болаларига, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига қувноқ байрам уюштиришга қарор қилди. Ушбу гоя Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Ўзэкспо-марказ» томонидан қўллаб-қувватланди.

Кўни кеча эса мамлакатимизнинг ёш аҳолисига пойтахтимиздаги ажойиб боғлардан бири бўлмиш «Тошкентленд» боғи ўз эшикларини очди. Бу ерга келган болакайлар ва қизалоқлар шўх аттракционларда айландилар, «Кока-Кола» сувларини маза

Боғдаги қувноқ байрам



қилиб ичдилар, музқаймоқлар едилар. Ҳомийлардан «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмаси болаларни ушбу боғқа олиб келди, «Кока-Кола» компанияси эса чанқовбосди ичимликларни келтирди, «Бешёғоч» компанияси эса музқаймоқларни олиб келди.

Болалар шунингдек, қизилқоғон музқаймоқлардан баҳраманд бўлдилар. Болаларнинг ижодий жамоалари ўз тенгқурларига маҳоратларини кўрсатдилар.

(Ўз мухбиримиз) **СУРАТЛАРДА:** «Тошкентленд» боғида уюштирилган байрамдан лавҳалар. Тоҳир Нигматуллин олган сурат.



ТАДБИРКОРЛИК

«Бахт-Билол» музқаймоқлари

Эъзинг иссиқ кунларидан кўпчиликнинг, айнакча болажонларимизнинг кўнгли музқаймоқ тусаси табиий.

Бунга яхши тушунган пойтахтимизда тадбиркорлик билан фаолият кўрсатаётган «Бахт-Билол» хусусий корхонаси музқаймоқ тайёрловчилари изланиш билан иш юритиб, сифатли ва мазали музқаймоқ турларини ишлаб чиқармоқда.

20 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу корхонага ўрнатилган, Италиядан келтирилган замонавий линияларда бугунги кунгача 15 хилдан ортиқ музқаймоқ турлари ишлаб чиқарилмоқда.

— Айна кунларда харидор талабини эътиборга олиб маҳаллий ҳам ашёдан сифатли маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлмоқдамиз, — дейди корхона раҳбари Феруза Холиқова. — Кўнига 12 минг донга 80-100 граммдан қадоқланган музқаймоқлар тайёрлаб, уни пойтахт ҳамда вилоятлардаги харидорларимизга етказиб беришга, айнакча, лимонли, апельсинли, шоколадли ва бошқа турдаги музқаймоқларимиз барчага манзур бўлиб, буюртмалар сони ортиб бормоқда. Шунингдек, жорий йилдан бошлаб янги маҳсулот музқаймоқлиқ торт тайёрлашга ҳамда 775 граммдан пластмасса қутиларда қадоқланган музқаймоқ ишлаб чиқаришга, асосий мақсадимиз юртимиз аҳолисини, айнакча ёз ойларида ўзимизда тайёрланган энг сифатли, мазали, чанқовбосди музқаймоқлар билан таъминлашдир.

Динора ҒУЛОМОВА

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 августдаги «Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги 315-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шаҳар бозорларининг моддий базасини ривожлантириш, фаолиятини такомиллаштириш ва даромадларини ошириш ҳамда сотувчи ва харидорларга қўшимча қулайликлар яратиш, янги хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш — 10 йиллик Дастур асосида олиб борилапти. Қисқа муддатларда шаҳардаги 25 га яқин норасмий бозорларнинг фаолияти ҳукумат қарори билан белгиланган талабларга мувофиқлаштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган махсус ишчи комиссиянинг режа асосида олиб борган тадбирлари натижасида шаҳримиздаги айрим ўз-ўзидан пайдо бўлган, шаҳримиз кўркини бузиб турган бозор ва майда бозорчалар тартибга келтирилди. Бу тадбирлар ҳозирда ҳам давом этмоқда.

«Ўрикзор» даҳасидаги Тошкент Халқа йўли бўйлаб бетартиб жойлашган ва норасмий равишда ташкил топан қурилиш моллари бозорларининг ноқонуний фаолиятини тўхтатиш ва ушбу бозорлар атрофида яшовчи аҳолининг талаб ва истакларини бажариш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Акмал Икромов туманида янги қурилиш моллари бозорини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Ҳақиқатдан ҳам «Ўрикзор» мавзеси атрофидаги бетартиб бозорлар ушбу ҳудудда яшовчи аҳолига ҳамда Халқа йўли бўйлаб ҳаракат қилаётган автотранспорт воситаларига катта нуқулликларни вужудга келтираётган эди. Бу борада Акмал Икромов тумани ҳокимлигининг ушбу ҳудудни тартибга келтириш юзасидан олиб бораётган амалий ишлари диққатга сазовордир.

Яқин кунларда Тошкент Халқа йўлининг Акмал Икромов туманига қарашли 5-саноат зонасида янги замона-

вий қурилиш моллари бозори харидорларга ўз эшикларини очди. Тошкент шаҳар бозорлари сони яна биттага кўпайди.

Албатта ҳар бир янгилик ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У катта меҳнат эвазига бунёдга келади. Гап шу ҳақда борар экан, энг аввало бу ўринда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг янги бозорни ташкил этишдаги ташаббуси ва амалий ёрдами эътиборга эриш керак бўлади. Бозор иқтисодиётининг оғир юқини кўтара олмай, деярли фойдаланилмай қолган корхона ўрнида замонавий бозорни тиклаш учун маълум миқдорда маблағ керак эди. Шунинг назарда тутиб Тошкент шаҳар ҳокимлиги шу йилнинг 2 апрелида ушбу автокорхона ўрнида янги қурилиш моллари бозорини

қурилиш моллари билан савдо қилувчи тадбиркорлар сони тобора ортиб бормоқда. Ҳар бир тадбиркорга махсулот турига қараб 24-30 квадрат метр жой ажратиб берилляпти, қўшимча жой керак бўлса бозор маъмурияти уни ҳам ижобий ҳал қилиб бормоқда. Айна давларда тобора гавҳумлашиб бораётган бозорда қурилиш учун нимаики керак бўлса барчасини топиш мумкин. Михдан тортиб гиштгача, тахталардан тортиб паркетларгача, турли ҳажм ва ўлчамдаги темир-терсақларнинг ҳаммаси бор. Минг бор эшитгандан қура, бир марта кўрган афзал дейилганидек, бозорни айланиб, сотувчи ва харидорлар билан суҳбатлашдик. Албатта, ҳар қандай янги бозор қулайлигидан ташқари нарх-наволарнинг арзонлиги билан ҳам харидорларни ўзига қорлайди.

Тадбиркор сотувчи Хошим ота Розиков билан суҳбатлашдик.

— Бизга шундай шароитни яратиб берган Тошкент шаҳар ҳокимлигига минг раҳмат, — дейди у. — Бозорда барча зарур шароит-


лар муҳайё этилган. Унинг яна бир қулайлиги шундаки, бозор Халқа йўлининг шундоққина ёнида жойлашган.

— Ўзим шу яқин атрофда тураман, — дейди харидор Сотим Шукуров. — Оиламиз катта. Фарзандларимиз бирин-кетин камолга етишляпти. Уларни ўйли-жойли қилиш ораусидамиз. Яхши ният билан икки-уч йилдан бери қурилиш қиламиз. Олдинлари керакли нарсаларни харид қилиш учун ўзимиздан анча узоқ бўлган «Ўрикзор»даги қурилиш моллари бозорига борар эдик. Махсулотлар қиммат, бунинг устига йўллик нархи қақади. Мана бу бозор эса, оғиримизни енгили килди. Ҳам арзон, ҳам уйимизга яқин.

Биз билан суҳбатлашган бошқа сотувчи, харидорлардан ҳам шундай илиқ миннатдорчилик сўзларини эшитдик.

Келинг, кўринг, ҳожатингизни чиқаринг, азиз ҳамшаҳарлар! Янги замонавий қурилиш моллари бозори сизга намуналик хизмат қилишга мунтазир.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ
СУРАТЛАРДА: бозор кўренишидан лавҳалар акс эттирилган.



«Талаба» жамғармаси

Тошкент автомобиль йўллари институтида иқтидорли талабалар билан яқиндан иш олиб борилмоқда, олий ўқув юртида фаолият кўрсатаётган турли марказ ва бўлимларга ҳам изланувчан ёшлар жалб қилинмоқда. Таълим хизматлари билан шугулланаётган илмий гуруҳлар ҳам асосан иқтидорли талабалардан ташкил топди.

ТАШАББУС

«Тико», «Дамас», «Нексия» автомобиллари бўйича ўқув қўлланмаси ҳамда кўргазмалли плакатлар яратишда ҳам уларнинг хизмати бор, албатта.

Шу каби илмий-амалий жараёнларда кўп миқдорда маблағлар тўпланмоқда. Бундай тушумлар ҳамда молиявий ҳисоб-китобларни йўлга қўйиш мақсадида институтда «Талаба» жамғармаси ташкил топди. Унинг сти-пендиялари ҳам таъсис этилди.

Азиз ВОХИДОВ

МУТАХАССИС ШАРҲИ

Қонун барчага баробар

Бу йил республикамиз меҳнаткашлари Мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлайдилар. Утган тарихий қисқа муддат ичида иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ва экологик соҳаларда ютуқлар қўлга киритилди. Ўнлаб қонунлар қабул қилинди. Шундай ҳужжатлардан бири Ўзбекистон Республикасининг «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонунидир. 26 моддадан иборат бўлган мазкур қонуннинг зарур ва муҳимлиги шундаки, ушбу Қонунда мулкдан фойдаланиш экологик мухитга зарар етказмаслиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда Қонун билан қўрилган манфаатларини ҳимоялаш масалалари аниқ-равшан кўрсати-

тиб берилган. Хусусан, Қонуннинг 3-моддасида давлат экологик экспертизасининг мақсадлари, жумладан мўлжалланаётган, режалаштирилаётган, амалга оширилаётган ҳўжалик ва бошқа хил фаолиятлар атроф-мухитга, фуқароларнинг соғлиғига таъсир этиш даражаси, табиий ресурслардан оқилана фойдаланиш бўйича тадбирларга қай даражада асосланиши аниқ кўрсатилган. Шунингдек, унда экологик экспертиза ўтказиш мажбурийлиги, экологик экспертизасининг ижобий хулосасисиз банк ёки кредит муассасалари томонидан ҳўжалик субъектларини шу йўналиш бўйича молиялаш таъқиқланган. Бундан ташқари Ўзбекис-

тон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 96-моддасида ҳам: «Лойиҳаларни давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўйбга чиқарганлиги учун» жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Мазкур тушунтиришлардан кўриниб турибдики, республикамиз қонунчилиги ва ҳукумати халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган қоидаларига амал қилиб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда, барча фуқароларга экологик соғлом мухит ва шароитларда яшаш ҳуқуқини кафолатлайди. Лекин мазкур Қонун талаблари барча ташкилотларда бирдек бажарилаётган деб бўлмайди. Мана бир мисол. Тошкент

шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан шаҳримиздаги 16 та банк ва кредит муассасаларида сўров ўтказилганда 3 та ҳўжалик фаолияти лойиҳалари экологик экспертиза хулосаларисиз амалга оширилганлиги аниқланди ва айбдорлар Қонунда кўрсатилган тартибда жавобгарликка тортилди.

Айтмоқчимизки, шаҳримизда ҳўжалик фаолиятини юритаётган субъектлар барча Қонунлар қаторида экологик Қонун талабларига тўла риоя қилган тақдирларидагина республикамизда экологик барқарор вазиятни сақлаб қолишга эришилган бўлади.

Фозилжон ҚОРАБОЕВ,
хуқуқшунос.

Оз-оз ўрганиб домо бўлар...

● Адолат гоёсини рад этиб бўлмайди. У одоб-ахлоқ, ақл-идрок қонунларида, омма ҳаётидан келиб чиқди. Адолат бошдан охири ҳаёт уфуриб турган сўзидир.

● Одам ўз қалбига қулоқ осиб, унинг адолатпарварлигига иқдор бўларкан, қанчалар боши осмонга етади.

● Холис ва сермулоҳаза одам ўз ҳукмини айтишга ҳеч вақт ошқимайди.

● Адолат-давлатнинг пойдеворидир.

ХИКОЯТ: Лукмони Ҳакимдан сўрабдилар: «Инсоннинг барча гўзал фазилатларини йўққа чиқарувчи нарсани нима? Лукмони ҳажим жавоб берибди: «Бахиллик ва адолатсизлик». Яна сўрадилар: «Инсоннинг барча айбларини, камчиликларини пинҳон этувчи нарсани нима?» У жавоб берибди: «Саховат ва адолат-пешалиқдор».

БАЙТ:
Хар бир азоб-уқубатга розиман, тайёр,
Лек адолатсизликдан дил озор топмасин эин-хор.

● Доно билан сўзлашганда камгап бўл.

● Яхши гапирши учун етарли ақлга, сукат сақлаш учун етарли мулоҳазага эга бўлмаслик бахтсизликдир.

● Яхши сўзбадеш бўлишнинг фақат бир усули бор. Бу диққат билан тинглай билишдир.

● Тинглашда биринчи, гапирилган эса охиригиси бўл.

● Агар жоҳиллигим намён бўлмасин десанг, ўзгаларни эйтибор билан тингла.

КИССА. Мавлоно Сайфий Саройи «Гулистони бит туркий» да ушбу ҳикматни ҳам айтиб ўтганлар. Ҳакимлардан бири айтмиш эканки, ҳеч ким ўзича ўз жоҳилигига иқдор бўлмайди. Аммо ул одамнинг жоҳиллиги шунда маълум бўлиб қоладики, агар бир киши сўз бошласа унинг сўзи тамома бўлмасдан туриб, ўша жоҳил ўртага тушиб сўзлай бошлайди. Бу эса — жоҳиллик, жаҳл аломатидир.

Ҳикматдан маълум бўладики, сўзбадеш чоғида сўзловчининг сўзларига диққат билан, сабр ва тоқатли бўлиб қулоқ солмоқ керак экан. Чунки ҳар кимнинг сўзида ҳам ўрناк олса бўладиган фикр бўлиб ундан фойдаланган мақсадга мувофиқдир.

БАЙТ:
Оқиллар наздида сукат сақлаш одобдур,
Лек савол ташлаганда сўз демоқ ижобатдир.

● Узингга ишонмай туриб, даҳоликни орзу қилма.

● Ўзига бино қўйиш ва манманлик — ақлсизликдир.

● Шухратпарастлик — ўзимиз лойиқ бўлган шон-шухратга бевақт эга бўлишга уринишдан бошқа нарса эмас.

● Кимки ўзини ҳурмат қилмаса — у бахтсиз, аммо ким ортиқча манманликка берилса, у тентак.

● Уз ўрнини билиш инсоннинг ўзигини таниши демақдир.

КИССА: Қора қарга оқ қозонни қўриб, у каби оппоқ бўлишни истабди. Уз уясини ташлаб, бир қўл соҳилини макон айлабди. Бир неча йиллар қора қарга оқ бўлиш мақсадида шўр сувда чўмилибди, лекин фойдаси бўлмабди.

ХИССА: Киши ўзи эришган аҳвол билан қониқиши даркор. Тарвуз пўчоғига даракт баргидан елкан ўрнатиб, денгизда сузмоқчи бўлган суваракнинг тақдири аёнлиги каби, ўз мартабасига қарамасдан иш тутган кишининг келажаги ҳам равшандир.

БАЙТ:
Умид қилма бўлсанг аслида нопок,
Қора намат ювилса ҳам бўлмас оқ.

● Ақли одам ҳамма нарсадан кечса ҳам дўстидан воз кечмайди.

● Кимки оғир дамларда дўстини ташлаб кетса, ўзи ҳам кулфатга йўлиқади.

● Дунёда дўстликдан афзалроқ ва ёқимлироқ нарса йўқ. Умридан дўстликини ўчириб ташлаш дунёни қуёш нуридан маҳрум этиш билан баробар.

● Янги дўст топонда эскиларни унутма.

ХИКОЯТ: Бузургмеҳрдан: «Нега дўстининг душманга айлиниши осон-у, душманнинг дўст бўлиши қийин?» деб сўрадилар.

— Иморат бузиш қуришдан, жомни синдириш пайванд қилишдан, пулни сарфлаш топишдан осонроқда, — деб жавоб берди у.

● Мехнатни севиш, гайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меvasи бор. Биринчиси: тан саломатлиги, иккинчиси: кўнгул роҳати, учинчиси: ақл ва захнинг ортишидир.

● Бахтиёр бўлишни истасангиз, ҳар бир ишни ўз вақтида бажаринг, бугунги ишни эртага қолдирманг, фурсатни қўлдан берманг.

● Мехнатни севамаган одам ҳар бир бузуқликни қилишга тайёрдир. Мехнат инсонга бахт-саодат келтиради, жайворлик, ишсизлик, фалокат кирдобига ташлайди.

● Қадимги юнон доғишмандларидан Афлотун ҳажим айтиди:
 — Мен фидокорона қилинган меҳнат роҳатини бошқа бирор нарсадан кўрмадим. Вужудимнинг саломатлиги, руҳимнинг саодатини фақат меҳнатдан топдим.

БАЙТ:
Меҳнат ила ҳал бўлади ҳар мушкул,
Ками дил меҳнат ила бўлмай хосил.

● Ешлигингда шундай яшагинки кексайиб чорасиз қолганинга бахтли бўл.

● Танинг соғ экан, ҳали кексаймаган экансан, куч-қудратинг бор экан, имкон борича нимадир ишга ҳаракат қил. Унингги ўт олгандан кейин қудуқ қазишингдан нима фойда.

● Яхши қариялар бор жойда яхши ёшлар етишиб чиқади, улар йўлчи юдуздек нур сочиб турадилар.

● Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.

● Темир калъасини ёшлар қилич ишлабди йўқитсалар, қариялар ақл билан ағдардилар.

ХИКОЯТ: Бир ҳакимдан сўрадилар:
 — Сен учун энг улуг киши ким?
 — Отам, отамнинг отаси, энг катта бобом, у бо-бонимнинг онаси энг улуг кишилар, улар ҳаёт дарсини ўқиган қариялардир.

БАЙТ:
Бўйин товлама кекса тадбирдан,
Қарияларда бор таҳриба, фикру фан.

ҲАМЁН

Ҳар бир халқнинг ўз ҳамёни бор. Ҳамёни баъзилар «кармон» ҳам дейишади. Аслида «ҳамён» атамасининг қадимийлигига шубҳа қилмасак бўлади. Деворий ва миниатюра расмларда шоҳ, аллома, қаландар, дарвешлар ёнларига осиб юрган ҳамёнларни кўрганмиз. Кўпинча ҳамёнлар пул муомаласи чиққунча олтин, кумуш учун хизмат қилган. Оддий одамларда доим ҳамён бўлавермаганидан бўлса керак, белларига қават-қават белбоғ боғлаб, бирида пул сақлаганлар. Аёл кишилар эса умуман пул ушлашаган.

Ҳамён фақат эркак кишилардагина бўлган. Шарқ урф-одатларида кўра шундай қилинса, рўзгорда кут-барака қочмаслиги авлоддан-авлодга ўқитилган. Бу одат кейинги пайтларда деярли унутилиб юборилди. Илгарилари уй бекаси, болаларга оила бошчилиги эркак қўлига қарашган. Номини улуглашган, ҳеч ким ҳамёнга тегмаган. Эркакка ишонч катта бўлиб: «Эркак киши этаги учидан олиб келса ҳам тўйдирари, баракаси бор» деган нақл бўлган.

Ўзбекистон Давлат санъат музейининг халқ амалии санъати бўлими хоналарида қўйилган хилма-хил, катта-кичик кашта тикилган ҳамёнларни кўриб ҳавасингиз келади. Бирортаси аёл ёки болаларга мўлжалланмай, ҳаммаси эркак киши, оила бошлиқлари учун эканлиги бизни янада ҳайратлантириб, юқоридаги фикримизни далиллайди. Тўрт бурчак, шунинг-

дек, қулоқ хумчасини эслатувчи, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Бухоро каби вилоят ҳамёнлари. Булар шойи, бахмалларга тикилган бўлиб, оғзини маҳкам боғлаб, осиб юрадиган тизиларигагина бор. Бир хил эмас, ранги, катта-кичиклиги, нақшлари, тикилиши бир-бирдан фарқ қилади. Ҳаммаси каштали, нақш билан безатишган. Чиройли кўрининг учун ҳатто бежирим турли рангли ипақлардан кашф этилган қуш қокиллари ҳам бўлиб, савлатли, салобатлидир.

XIX-XX асрда яратилган ҳамёнлар орасида «ироқи» нусхада тикилган Шахрисабз ҳамёни тоғ, дала ҳавоси манзараларини эслатади. Айниқса, Бухоро амираи пайтида зардўзлик санъати тараққий этаркан, зарҳал, қизил, қора, сариқ, мошранг илларда бахмалга тикилган, табиат манзаралари акс этган ҳамёнларга эътибор қаратилган.

Қадимда одамлар бойлик деганда ҳамённи назарда тутиб «Ҳамённинг барака берсин» дейишган. У пайтлардаги ҳамёнлар ўта пухта тикилган. Миллий кийимларда бирорта чўнтак бўлмаган. Ҳамёнлар энда осилиб, узун чакмон, тўнлар остида қолиб юраверган. Баъзида ҳамёнларни кийимларнинг усти белбоғ тарафидан кўриш мумкин эди. Ота-боболаримиз кўша-кўша ҳамён осиб юрсалар ҳам бежавотир, хотиржам, кўнгуллари тўқ юришаверган. Ҳамёнга тегилгани номардлик, нопоклик ҳисоблашган.

Ҳозирги кунда музейлардан ўрин олиб, томошабинларга завқ улашаётган, нафосатга бой ўз миллий ҳамёнларимизга барчанинг ҳаваси келади.

Маҳмуд РАМАЗОН ўғли.

Аждодларимиз меросига бағишлаб


Шу кун пойтахтдаги «Баҳор» концерт зали талаба ёшлар ва мактаб ўқувчилари билан гажум бўлди. Улар учун бу ерда устоз раққослар ва соҳа мутахассислари томонидан миллий рақс санъатимиз тарихи тўғрисида суҳбат ўтказилди. Сўнгра «Тановар» рақс театри ижросида «Улғубек буржи» спектакли намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 мартдаги қарорини бажариш мақсадида Мукаррама Турғунбоева номидagi «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда «Аждодларимиз мероси ва соғлом авлод» шiori остида тадбирлар дастурини ишлаб чиққан эди. Ана шу дастурга асосан ҳар ойда бир марта талабалар ва мактаб ўқувчилари абонемент чипталар асосида «Баҳор» концерт залига тақлиф этилмоқда. Бу ерда уюштирилаётган суҳбат-концертлар ёшларимизда асрдан-асрга олтин мерос сифатида ўтиб келаётган миллий рақс санъатимизга, қўшқичлик, жумладан маком ижрочилиги санъати ва Ўзбек анъанавий музыкаларига қизиқиш уйғотиш муҳим омил бўлиб келмоқда. Уларда бу баёбох маданий бойликларга чўқур ҳурмат ва ҳавас туйғуларини синдириши, ёшларимизда миллий маънавиятимиз, қадриятларимизга нисбатан эҳтиром ҳисларини юксалтириш ҳамда уларнинг истиқлол гоғларини синдириш учун хизмат қилмоқда.

Еш санъат муҳлислари шу кунгача устоз санъаткорлар ҳаёти ва ижоди, ўзбек миллий рақс тарихи, Хоразм мумтоз қўшқичлиги, макомчилик санъати ҳақида қизиқарли маърузалар тингладилар. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган «Баҳор» рақс ансамблининг «Устога таъзим», «Лазги» ансамблининг «Хоразм дурдонаси», «Зарафшон» фольклор ансамблининг «Тантана» дастурларини, «Ети гўзал» рақс ансамблининг концертини, «Тановар» рақс театри ижросидаги «Темурий маликалар» спектаклини томоша қилдилар. Шуниси эътиборга лойиқки, тадбирларда фаол қатнашган мактаб ва ўқув юртларида «Ўзбекрақс» бирлашмаси томонидан «Бирга рақсга тушайлик» дастури асосида ойига икки мартага бепул хизмат кўрсатилади.

Бахтиёр МАНСУРОВ

СОҒЛОМ АВЛОД



Келажак тўғрисида фикрладилар

Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонаси ва унинг қошида ташкил этилган «Ёшлар ва қонун» клуби, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига бағишлаб пойтахтдаги 9-11 синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Келажак бугундан бошланади» ҳуқуқий зукколик фестивали жуда қизиқарли ўтди.

«Дунёда болалар олдидаги бурчдан кўра муқаддас бурч йўқдир» шiori остида ўтган анжуманда шу ойнинг бошларида юқори синфлар ўқувчилари ўртасида ўтказилган тест синовларининг қўлиблари иштирок этдилар.

Фестивалнинг барча қатнашчилари жаҳон болалари ва ўсмирларининг глобал муаммолари ва уларнинг ечимларини таҳлил қилган ҳолда кичик тадиқот йўналишидаги долзарб маърузалар билан чиқдилар.

Ҳакамлар ҳайъати баҳоқарига кўра шахримиздаги 64-мактабнинг 10-«а» синф ўқувчиси Қозимхон Саъдуллоев ва 120-мактабнинг 9-«в» синф ўқувчиси Екатерина Бухтиррова «Энг яхши воиз», 120-мактабнинг 11-«б» синф ўқувчиси Алла Шагина ва шу мактабнинг 9-«в» синф ўқувчиси Виктория Морозова «Энг глобал муаммо» ва 142-мактабнинг 9-«В» синф ўқувчиси Роҳатой Байзақова, шу мактабнинг 9-«а» синф ўқувчиси Артур Енгалчев ва 120-мактабнинг 11-«б»

синф ўқувчиси Екатерина Степанова-лар «Энг яхши тақлиф» йўналишлари бўйича ғолиб чиқдилар.

Ғолибларга ташкилотчилар ва ҳомийлар — «Электроника» масъулияти чекланган жамияти ва «ZHE Кока Кола» компанияси томонидан ажратилган эсдалик совғалари, фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо китоблар топширилди. Фестивални ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиш ржалаштирилди.

Раҳод ИНОҒОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тинловчиси.
СУРАТЛАРДА: «Келажак бугундан бошланади» ҳуқуқий зукколик санъати фестивалидан лавҳалар.

КАРАТЭ

Шаҳримиз спортчиларининг муваффақияти

«Жар» спорт марказида янги асрдаги катталар ўртасида илк Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Бухоро ва Сирдарё вилоятларидан ташқари барча вилоятлардан келган юздан ортиқ каратэчи галаба учун кураш олиб борди.

Унинг жамоадоши Александр Хаменко иккинчи, қаршилик София Каспүлатова эса учинчи бўлди.

60 килограммгача вазнда «Азамат Карим» (Тошкент) клуби вакили Хусниддин Салиев галаба қозонган бўлса, 55 килограммга ўртада унинг Андижон шаҳри шарафини ҳимоя қилаётган уқаси Фазлиддин Салиев зафар қучди. Кейинги вазнларда Ақром Содиқов (Наманган) ва тошкентлик ўқувчиси Артур Рўзиев, Даврон Тошпўлатов ва Жасур Жамиловлар ҳурмат шохсупасининг энг

Одатга кўра баҳслар эркаклар ўртасида жамоавий ката йўналиши бўлиши бошланди. Бунда шахримиздаги профессионал каратэ маркази спортчилари галаба қозонди.

Эркаклар ўртасида яқка ката баҳсларида эса пойтахт каратэ марказининг уч вакили — ёшлар ўртасида қўлаб

халқаро мусобақаларнинг ғолиблари бўлиши Отабек Қосимов ва ака-ука Илхом ва Иқром Каримовлар ўртасида ўзаро кураш кечди. Ушбу баҳсида омад Отабек Қосимовга қулиб бокди. Қизлар ўртасида ката бўйича пойтахтдаги «Азамат Карим» клубининг вакили Нина Назаровага тенг келадиганлар топилмади.

Юқори поғонасидан жой олиши.

Кумитэ бўйича 80 килограммдан юқори ва мулға вазн учун курашда сурхондарёлик «Алпомиси» Азамат Али Қаландаров ғолиб қичди.

Чемпионатнинг барча ғолиб ва совриндорларига олтин, кумуш ва бронза нишонлари, дипломлар топширилди. Мусобақа натижаларига кўра саралаб олинган энг кучли каратэчилар бу йилги йирик халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Дилшод ИСРОИЛОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Корея Республикасининг қўша қорхонаси Тошкент шаҳрида яшовчи 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган қизлар ва аёлларни тўқимачилик саноатининг куйидаги ихтисосликлари: йигирувчи ва тўқувчи, ип ўраш, тараш, титиш, лентани текислаш анжомларининг операторлари; Куролли Кучлар сафларида хизматни ўтаб қайтган 20 ёшдан 35 ёшгача бўлган йигитларни эса электрик, уста ва чилангар ёрдамчилари, таъмирчилар касбларига доимий ишга тақлиф этади. Юқорида санаб ўтилган ихтисосликларга эга бўлганлар ишчилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касбга ўргатилади.

Ишчилар овқат, махсус иш кийими, транспорт хизмати билан таъминланади. Ишга вақтбай тарзда ҳақ тўланади. Хар сешанба ва жума эрталабки соат 8.30 дан бошлаб қабул қилнади.

Манзилимиз:
 Шайхонтоҳур тумани,
 Зиё Саид кўчаси, 2-а уй.
 Телефон: 120-48-00 (12-09).

Тошканбой Эгамбердиев номидagi Тошкент Давлат цирки

2001 йилнинг 1-2-3 июнида

Болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган хайрлашган гастроллари

Томошалар 1 июнда соат 15.00 ва 18.00 да, 2-3 июнда 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади. Касса эрталаб соат 9.00 дан ишлайди. Чипталар кассаларда ва туманларнинг кассирлари томонидан сотилмоқда. Жамоа бўлиб келиш учун илтимосномалар қабул қилинмоқда.

Маълумот учун телефонлар:
 144-32-23, 144-29-04.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сўзининг рекламаларининг, ҳуқуқий эълонлар ва ҳуқуқий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзалари, таваллуд қилари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қўловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида берилади.

Эълонлар шанба ва кўшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефонлар:
 133-28-95, 133-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ:
 МАТЕВУТЧИЛАР Кўчаси,
 32-уй, 2-ҚАВАТ,
 204-ХОНА.

Тошкент шаҳар табиати муҳофаза қилиш қўмитаси қўмитанинг экологик тартиб бўлими бошлиги Муассар Муҳитдиновна Юсуповага, унинг оила аъзолари ва яқинларига волидаи муҳтарамаси **Минавар ая АҲМЕДОВАНИНГ** бевақт вафот этганилиги муносабати билан «чўқур таъзия изҳор қилади.

2-Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорати, жамоаси ва умумий амалкёб шифокорини таёрлаш 1-тератия кафедраси ходимлари кафедра дошенти Ш.Ш.Шоиловлага волидаи муҳтарамаси **МУАЗЗАМ аянинг** вафот этганилиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз:
 700000, Тошкент шаҳри,
 Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
 хатлар — 133-29-70;
 эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;
 факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
 Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
 Қроғз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.